*Боши биринчи бетда*

Мана шундай шароитда ўзбекнинг ўзига хос табиатини, кўнглидаги сезимлар ва майлларни акс эттириш ғоят мураккабдир. Чунки ўзига хослик ичкарига кўчди. Энди уни суратдан эмас, сийратдан қидириш лозим бўлади. Бу ҳол тасвирнинг теранлигини, бадиий нигоҳнинг ўткирлигини тақозо этади.

# ЗАМОН, ҚАҲРАМОН ВА ЎЗЛИК

Миллий адабиётимизда адабий қаҳрамонларнинг силлиқ, бегидир кишилар сифатида тасвирланишига кўникиб қолганмиз. Отабек, Анвар, Кумушбиби, Раъно, Зебо, Йўлчи, Ғофир сингари тимсоллар — ўзларининг теран ақли, баланд андишаси, сермулоҳазалиги, мулойимлиги билан ажралиб турадиган шахслар. Лекин айни вақтда уларда бир-бирига яқинлик, «қуйиб қўйгандай» ўхшашлик, маънавий-ахлоқий қолиплардан чиқмаслик сезилиб туради. Бу ҳол уларни тирик одамлардан кўра бадиий идеалларга ёвуқлаштиради. Бугунги адабиётимизда яратилган қаҳрамонлар хусусида бундай деб бўлмайди. Ҳозирги қаҳрамонлар — феъл-атворлари, истак-майллари, орзу-армонларига кўра турфа одамлар. Ш. Холмирзаевнинг «Ўзбеклар», «Булут тўсган ой», «Наврўз, наврўз», Н. Норқобиловнинг «Орият», «Қоялар ҳам йиғлайди», «Қуёш тутилган кун», Н. Эшонқулнинг «Шамолни тутиб бўлмайди», А. Нурмуроднинг «Қон ҳиди», У. Ҳамдамнинг «Мувозанат», А. Йўлдошевнинг «Отчопар», Ш. Бўтаевнинг «Шўродан қолган одамлар», «Бир кунлик меҳмон» асарлари персонажлари биз кўниккан, ҳар жиҳатдан етук, нуқсонсиз қаҳрамонларга мутлақо ўхшамайди. Бу қаҳрамонлар на шахслик табиати, на жамиятдаги мавқеи, на интеллектуал савияси, на туйғулари кўламига кўра бир-бирларига ўхшайди. Улар тамомила ўзига хосдирлар. Ҳар бирининг табиати у ёки бу даражадаги нуқсонлардан ҳам холи эмас. Айни вақтда, уларни бирлаштириб турадиган умумий жиҳатлар мавжуд. Бу қаҳрамонлардаги умумийликни таъминлаган биринчи омил — бир-бирига ўхшамаслик бўлса, иккинчиси, улардаги ўзига хосликнинг моҳиятан ўзбекчалигидадир.

Мазкур асарларга хос жиҳатлар ёрқинроқ намоён бўлган айрим қиссалар мисолида замон ва қаҳрамон муносабатида миллат моҳиятини акс эттирувчи ўзлик тушунчаси қандай ўрин тутишини кўриш мумкин. Нормурод Норқобиловнинг «Қоялар ҳам йиғлайди» қиссаси қаҳрамони Эрназар полвон бир қарашда йигирма биринчи аср кишисига ўхшамайди. Ҳар бир одамнинг ҳаётдаги асосий аъмоли маънавий поклик бўлишини истайдиган, ҳар қандай шароитда ҳам тўғри яшашга ўзида куч топа оладиган шахснинг табиатидаги энг нозик чизиқлар асарда ғоят бўртиқ акс этган.

Курашиб, элига обрў келтириб юрган Эрназар полвон ўз оиласини соғлом чинор, деб ҳисоблайди. У чинорнинг ҳамма шохлари тўғри бўлишини истайди. Ҳаром тегиб, касалланган шохни аямай кесиб ташлай олади. Полвон — эътиқодини турмушига эмас, балки ҳаётини эътиқодига мослаб яшайдиган инсон. Поклик, ҳалоллик ғолиб келишига ишонгани боис ўғилларининг курашда кимдандир енгилиш сабабини куч ёки маҳоратнинг камлигида эмас, балки ҳаром юқтирганликда, деб билади. Шу эътиқоди сабаб итнинг ҳам насли тозасини сақлайди. Қанчалик чопқир бўлмасин, насли нотоза отни минмайди. Ҳамманинг ҳалол бўлишини истайдиган, аммо бунга эришишнинг иложи йўқлигини англагани учун ҳам полвон, жуда бўлмаса, ўз оиласидагиларнинг покизалигини таъминлашга уринади. Ёзувчининг маҳорати шундаки, қаҳрамонни яшаётган заминдан узиб қўймайди, уни фақат орзулар оғушида кўрсатмайди. Бугуннинг бағрида яшаётган одам, қанчалар ўзига хос ва кучли бўлмасин, куннинг нафасини ҳис этиб туришга мажбурлиги асарда жуда ишонарли акс этган.

Қиссада кекса полвоннинг ўзига хос табиати Туркман полвон билан курашиши лавҳасида таъсирли кўрсатилган. Бу полвон қишлоқдаги барча курашчиларни, жумладан, Эрназарнинг олишадиган икки ўғлини ҳам йиқитгач, майдонга кекса курашчининг ўзи тушгани, меҳмон полвон эса, оқсоқолни аяб унга икки бор йиқилиб бергани, лекин бу ғалаба Эрназарни баттар ҳақоратлагани тасвирланган саҳналар халқимизга хос чинакам мардликнинг табиатини кўрсатиши жиҳатидан қимматлидир. Миллатга хос фазилатларни ўзида сақлаб қолган Эрназар полвоннинг ўғлига қўйган бироз ғалатироқ талаби акс этган ўринларда йигирма биринчи асрда ҳам йигит шаънини, элнинг орини ҳар недан баланд тутадиган ўзбекнинг мардона қиёфаси аниқ сезилиб, кўриниб туради.

Қиссада инсоний муносабатлар драмаси унчалик катта бўлмаган оила аъзолари мисолида ишонарли кўрсатилган. Эрназар полвоннинг қолган барча ўғилларидан бақувват, ақлли, келишган, аммо ор-номус ва шаън каби гапларни аҳмоқлик, курашни нодонлик деб биладиган Ўсар билан отаси ўртасидаги зиддият тасвири асар драматизми, инсоний муносабатлар трагизми авж нуқтада намоён бўлган ўринлардир. Қиссада амал қилинган тасвир принципларининг ҳаётийлиги шундаки, унда миллатимизга хос азалий хислатлар ҳам, даврнинг шиддати маънавиятимизга киритган таҳрирлар ҳам бутун борлиғи билан ўз аксини топган.

Маълумки, рисоладагидай ўзбек оилаларида ота ва бола зиддияти Ғарбдаги сингари сиртдан кўринадиган тарзда кечмайди. Ўзбек оиласида демократизм ота розилиги билан она воситасида амалга ошади. Ўзини билган ота-болалар деярли ҳеч қачон очиқ тўқнашмайдилар. Кўпинча, болалар отанинг юзига тик қараб гапиришни, ўз истагини ўтказишга уринишни одобсизлик ҳисоблайдилар. Ўсар ҳам буни билади. Лекин у отага гап қайтармаслик керак, аммо билганингни қилиб юраверишинг мумкин, деб тушунади. Шу боис, унинг ота билан муносабатларида ҳам носамимий тавозе, кўзга ташланмас нописандлик бор.

Отадан ўтган жисмоний қудратини Ўсар курашга эмас, балки муштлашишга сарфлаб, уйдагиларга билдирмай, шаҳарнинг энг шафқатсиз муштумзўрига айланган. Шу боис ака-укаларига ҳам тепадан қараброқ муомала қилади. Шаҳарнинг манаман деган суюқоёқ қизлари унинг атрофида. Шуларнинг биттасидан хабардор бўлиб қолган ота менинг фарзандим ҳаромга аралашмаслиги керак, деб ўғлини тоққа олиб чиқиб, бу йўлдан қайтармоқчи, керак бўлса, жазоламоқчи бўлади. Ўсар табиати ҳам асарда маҳорат билан очилган. У ўз йўлини ҳақ санайди. Шу боис отанинг поклик, ҳалоллик ҳақидаги гапларига ҳаётдан орқада қолган кекса одамнинг инжиқликлари дебгина қарайди.

Бири биридан қолишмайдиган икки паҳлавоннинг овлоқ тоғдаги учрашуви тасвири жуда таъсирчан. Ота — катта полвон, курашчи. Ўғил эса курашни майда, аҳмоқ одамларнинг юмуши, деб билади. Асарда ёвузлик ва эзгулик тўқнашуви ишонарли қилиб тасвирланганки, адиб чиндан ҳам гўзал бадиий восита топа билган. Беодоб боласини жазоламоқчи бўлган паҳлавон отанинг муштумзўр ўғли билан олишуви фарзанднинг отага қўл кўтариши билан тугайди.

Асарда оиладаги одатларнинг, амал қилиб келган ахлоқий ўлчовларнинг тупроққа қорилганидан кўзи қонга тўлган отанинг ҳолати, қанчалик шафқатсиз бўлмасин, отасига иккинчи маротаба қўл кўтара олмаган Ўсарнинг туйғулари ғоят юқумли ва таъсирчан ифодаланган.

Қиссадаги эътиборли жиҳат шундаки, унда сўз кам, маъно тиғиз. Ҳамма нарса айтилавермайди. Ишора билан бадиий натижага эришилади. Сюжет қурилиши, жумлалар тузилиши биланоқ тасвирланмоқчи бўлган ҳолатга ишора қилинади ва зийрак китобхон энг нозик жиҳатларни ҳам илғаб олади. Бир ўринда: «Полвон рақибига тик қарамасдан, ёнламасига назар солди» тарзидаги тасвир берилади. Эрназар ёмон кўрган одами — Сами раиснинг юзига тик қарамайди. У фақат кураш тушаётган одамининг — ҳалол рақибининг юзига тик қарайди. Ўзига тенгситмаган одамга ёнламасига назар ташлайди. Бу шахснинг нақадар қудратли эканлиги мана шу кичик штрихда яққол ифодаланган. Бу манзарага ёзувчи Эрназар полвонга хос барча эзгу хусусиятлар моҳиятини жойлай олган.

Замондошларимиз табиатидаги энг яширин, кўзга ташланавермайдиган жиҳатларни акс эттирган асарлардан бири А. Йўлдошевнинг «Отчопар» қиссасидир. Асар қаҳрамони савдогар аёл Нозиманинг табиати Эрназар полвонникидан фарқ қилади. Лекин ёзувчининг маҳорати, тасвирдаги самимияти туфайли ўта замонавий кийинган, кўринган эркакни ўзига маҳлиё қилиб қўядиган, одамга эркаланиброқ, ишва билан қарайдиган тижоратчи аёлнинг қалбида буюк муҳаббат, барча синовлардан ўта оладиган садоқат, энг жўн одамга ҳам алданадиган ишонч, битмас-туганмас ишчанлик, некбинлик борлигини кўрамиз. Нозима Эрназар полвон сингари бир қадар бўлса-да, ҳаётнинг умумий оқимидан узилиб қолишни истамайди. У юксак туйғулар тўғрисида ўйламайди. Қиз давр берган имкониятлар, қулайликлар, лаззатлардан ўзини тортмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси ташқи жиҳат эканлигини ақли билан билмагани ҳолда ичдан туйиб туради. Қаҳрамонга хос энг баланд фазилатлар аёлни ўзларининг нопок йўлларига бошламоқчи бўлган қинғирларнинг қаллобликлари туфайли унинг бошига саноқсиз синовлар, улкан бахтсизликлар тушганда яққол бўй кўрсатади.

Ёзувчиларнинг замондошларимизни қотиб қолган нуқтаи назар билан эмас, балки ичдан идрок этаётганлари, уларнинг сиртини эмас, балки моҳиятини англаётганликлари, замон қаҳрамони сифатида амалу ўйлари билан инсон умрининг мазмуни ҳақида фикр юритишга ундайдиган шахсларни тасвирлаётганликлари миллий адабиётимизнинг эртасига умид билан қараш имконини беради.

**Қозоқбой ЙЎЛДОШЕВ**

---

*Бепоён Устюрт ҳудудидаги қимматбаҳо хомашё заҳиралари бу минтақанинг эртанги кунига катта ишонч уйғотади.*

**Ислом КАРИМОВ**

# УСТЮРТ КЕНГЛИКЛАРИДА



**о Шимолдаги бекат о "Чанғарағингизда ҳамиша бахт бўлғай!" о Бой қизи мақбарасининг сири**

Бепоён Устюрт сари бу галги сафаримиз қишнинг қаттиқ совуқ кунларига тўғри келди. Эрта тонгда Қўнғирот вокзалида иссиқ купедан жой оларканмиз, атиги саккиз-тўққиз соатдан сўнг манзаранинг, ундан ҳам кўра об-ҳавонинг кескин ўзгариб кетишини хаёлимизга келтирмаган эдик.

Қўнғирот — Бейнов поезди кечга яқин биз йўл олган мамлакат шимолидаги "Қорақалпоғистон" қўрғонига етиб боради. Шу жойдан қирқ чақирим нарида — Сам сойлигида газ ва нефт хазиналарини изловчи мутахассислар ишламоқдалар. Улар қимматбаҳо ёнилғи конларини тупроқнинг чуқур қатламларидан ахтаришмоқда. Устюртнинг бутун бағри, унинг чегара ортидаги Қозоғистон қисми ҳам ёнилғи заҳираларига сероблиги Каспий денгизи бўйидаги Атров ва бошқа жойлардан топилган конлар орқали аллақачон исботини топган.

Манзилга етгунча Устюртни қоқ ўртасидан кесиб ўтган темирйўл атрофидаги манзаралар билан танишиб борамиз. Йўл ўтган асрнинг етмишинчи йилларида қурилган. Ҳозир ундан Ғарбу Шарққа поездлар туну кун ўтиб турибди. Бироқ шу чоққача автомобил йўли ўтмаган экан. Шунга қарамай, темир йўлдан у қадар узоқлашмай, Қозоғистону Россия шаҳарларига қатнаб ётган турфа юк машиналари бутун чўлни илма-тешик қилиб ташлаганига кўзингиз тушади. Бу жойдан қадимда Буюк Ипак йўлининг муҳим бир тармоғи ўтган. Эндиликда юртбошимиз ташаббуси билан ана шу қадим карвон йўли қайтадан тикланмоқда. Устюрт марказидаги Сам қумликларида газ ва нефт конларини излаётган бурғиловчилар ҳузурига йўл оларканмиз, ўзбекистонлик ва қозоғистонлик йўлсозлар икки мамлакат чегаралари туташган ҳудудда жадаллик билан қура бошлаган Европа — Осиё трансконтинентал автомагистралини ҳам ўз кўзимиз билан кўриб қайтишни кўнгилга тукканмиз.

Унгача эса ҳали олис. Олдинда Қўнғирот сода



заводининг темирйўл иншоотлари кўрина бошлади. Бу муҳташам корхона ҳам мустақиллик шарофати билан барпо этилаётган йирик қурилишлардан биридир. У темир йўлнинг ўнг тарафидаги Улмамбет туз конидан олинадиган хомашё асосида ўнлаб турдаги минерал моддалар ишлаб чиқаради. Корхона ишчилар шаҳарчасини эса кўрганлар чўл ўртасидаги мўъжиза, деб таърифлашади. Ўтган йили шаҳарчага кўплаб меҳмонлар қатори Қаҳрамон шоиримиз Абдулла Орипов ҳам ташриф буюрган экан. Учрашувга йиғилган қўнғиротликлар: "Абдулла оға, Сиз туғилган Некўз қишлоғи биздан олис Қашқадарёда бўлса ҳам, номи ўзимизнинг Нукусга ҳамоҳанг жаранглайди. Янги шаҳарчамиз номини ўзингиз қўйиб берсангиз", деб қолишибди. Абдулла ака буни кутмаган эканми, "Қандай бўларкан?", деб ўйланиб турса, элнинг каттаю кичиги "Шаҳарнинг номини ўзингиз қўйиб берасиз", деб туриб олишибди. Шунда Абдулла ака мийиғида кулганча, "Қўймадинглар, қўймадинглар-да, майли, сизлар айтганча бўла қолсин. Шаҳарни ўзбегу қорақалпоқ бир ёқадан бош чиқариб бунёд этаётган экан — унга "Элобод", деган ном ярашади", дебдилар. Шундан буён Қўнғирот сода заводининг ишчилар шаҳарчаси "Элобод" деб аталаркан.

Биз Элободни кўрмаган бўлсак-да, номининг тарихини эшитиб, бир бориб кўришни ният қилганча Устюрт кенгликлари сари ўтиб кетдик. Олдинда янги манзиллар. Шулардан бири — Оқшулоқ. Устюртдаги деярли барча йирик темирйўл бекатларида бўлгани сингари, бу ерда ҳам газ компрессор станциялари ишлаб турибди. Чунки бир пайтлари Ўрта Осиё газини собиқ иттифоқ марказига узлуксиз узатиб турган йирик газ трассаси темирйўлга яқин ўтган. Эндиликда улкан трасса бир томондан туркман газини Россияга ўтказиб бераётган бўлса, иккинчидан, ўзимизнинг Оролбўйидаги газ конларимиздан олинадиган ёнилғини мамлакат ичкарисига узатмоқда. Бир неча қувурдан иборат трасса ёнилғини истаган томонга узатиш имконига эга.

Оқшулоқдан кўп ўтмай "Ёшлик"ка етиб келдик. Бу манзил Орол денгизига анча яқин бўлиб, уни Қорақалпоғистоннинг Устюртдаги марказий қўналғаси дейиш мумкин. Бироқ энди денгиз бу жойлардан анча йироқлаб кетган. "Ёшлик"да компрессор станциясидан ташқари, чорва хўжаликлари, газ қидирув экспедициялари, йўлсозлар масканини ва бошқа муассасалар жойлашган. Ундан Устюртнинг барча манзилларига йўллар кетган. Олисдан келаётган поездлар ҳам бу жойда нисбатан кўпроқ нафас ростлаб олади.

Йўлимиз Шимоли Ғарб сари давом этарди. Энди Каспий денгизи тўлқинлари уфурган илиқ шабадалар Шимолдан келаётган совуқ оқим билан қўшилиб ўзига хос бир иқлимни ҳосил қилардики, ўзингизни баайни Сибир кенгликларида юргандек ҳис этасиз. Сибирнинг кўкка ўрлаган ям-яшил ўрмонлари совуқ ва изғирин йўлини бир қадар тўсиши мумкиндир, лекин бу жойларнинг совуқ бўронларини қайтарадиган бирор тўсиқ йўқ. Тобора сийраклашиб бораётган яккам-дуккам саксовулзорларнинг гоҳида учраб туришини айтмаганда, яп-яйдоқ чўл ваҳмингизни келтиради. Ёз ойларида эса ўзимиз билган саратон жазирамаси бу жойларни ҳам Қорақум саҳросидагидек қиздириб юборар экан. Устюртнинг Сибир кенгликларидан фарқи ҳам шунда. Ҳамроҳларимиз — Қорақалпоғистон телевидениеси тасвирчиси Мақсет Ниязимбетов ва Қўнғирот туман ички ишлар бошқармаси бошлиғи ўринбосари Мақсет Шамсиятовнинг айтишларича, Устюрт баҳори бирор-бир жойнинг кўкламига ўхшамайди. У чинакам жаннатга айланади. Ҳозир эса ҳавонинг тундлиги атроф манзараларини бузиб турибди. Шунга қарамай, Устюртнинг турли фасллардаги ўзига хос кўрку тароватӣ, ҳуркак оҳую сайғоқлари, йўлсиз чўлдан қатнаётиб адашиб қолган одамлар қисмати билан боғлиқ ҳикояларни эшита-эшита манзилимизга етиб борганимизни сезмай қолдик. Бироқ поезд купесидан тушибоқ билдикки, қўналғамиз эндигина бошланган қаҳратон совуққа кўникиб-кўникмаётган бир алфозда экан.

— Эрталаб ҳаво илиқ эди. Бу совуқни сизлар олиб келдингларми? — дея ҳазиллашди бизни бекатда кутиб олган "Қорақалпоғистон" темирйўл стациясининг милиция нозири.

Унинг янгигина қурилган уйи бекатнинг шундай биқинида экан. Бироқ атиги икки юз қадам масофани босиб ўтгунча совуқда дийдираб қолдик. Газ гуриллаб ёнаётган хонадондаги иссиқ тафтдан тезда ўзимизга келгандай бўлдик. Газнинг нақадар бебаҳо ёнилғи эканини пойтахт ва бошқа йирик шаҳарларда яшаб англаб бўлмайди. Эҳтимол шунинг учунми, кўпчилик бу ёнилғининг қадрига етмай, керак бўлмаса ҳам газ ўчоқни ўчирмай қўядилар. Бу ерда эса табиатнинг оғир синовларига юзма-юз келганда газ инсоннинг нақадар катта таянчи эканлигини англайсиз.

Бир зумда милиция нозирининг уйи келганимизни эшитган қўни-қўшнига тўлиб кетди. Биз кўрмоқчи бўлган одамларнинг ҳаммаси шу жойда ҳозир эди. Газ ва нефт конларини қидириш-бурғилаш ишлари бўйича қўшма контракт раҳбари Евгений Николаевич Суворнов ҳам ўз оёғи билан келиб қолди. У "Сам-1" деб номланган бурғилаш майдонидаги мутахассислардан бир гуруҳини биз келган поездда Бейновга ва ундан Атровга жўнатиб қайтаётган экан. Қисқа танишувдан сўнг эртага Сам сойлигида учрашишга келишиб, у билан хайрлашдик. Чунки Устюрт узра аллақачон тун пардаси ёйилиб улгурган эди. У: "Ҳаялламай борайин. Бу совуқда тунда қирқ чақирим йўл босишнинг ўзи бўлмайди", деди. Мезбонларимиз унинг бир-бирига ҳамроҳ бўлиб юрувчи икки машинада йўлга отлангани, яна рацияси ҳам аниқ ишлаб турганига ишонч ҳосил қилиб, "оқ йўл" тилашди.

Биз эса шу жойнинг ўзида Европа — Осиё трансконтинентал автомагистрали қурилишини бошлаб юборган қўнғиротлик йўлсозлар раҳбари Зарип Жоматов, "Қорақалпоғистон" қўрғони фуқаролар йиғини раисаси Нурсулув Сарсенова, Оролбўйи темирйўли милицияси раҳбари Матёқуб Ўрозбоев, автойўллар нозири Қўйчибой Аянқулов билан суҳбатимизни қизитдик. Мезбонлар қишнинг шундай совуқ кунларига қарамай газ ва нефт заҳираларини қидирувчи бурғиловчилар, янги қитъалараро автомагистрал қурувчилари ҳаёти билан танишмоқ мақсадида мамлакат пойтахтидан келган ижодкорлар ташрифидан мамнунликларини изҳор этишарди. Суҳбат қизигандан қизиб, эрта тонгда бошланажак сафаримиз режаларини белгилаб олдик.

* * *

Келишилганидек, эрта тонгда иккита "УАЗ" машинаси ҳозир бўлди. Қор ёғмаган бўлса-да, ҳаво кескин совуб кетган. Изғирин баданни тешгудек ҳамла қилади. Қалин кийиниб йўлга тушдик. Машина кабинаси хийла иссиқ, мотор бир маромда гуриллаб ишлаб турибди. Бир зумда темирйўл, ишчилар қўрғони ортда қолди. Кунчиқарга қараб кетган тупроқ йўл Сам қумликларидаги бурғиловчилар масканига олиб бориши керак. Олдинда тоғдан-тоғдай бўлиб қора-қура жониворлар кўзга ташланди. Яқинлашганда билсак, шундай совуққа қарамай ўтлаб юрган туялар экан. Устюртнинг юзаси теп-текис, шу боис узоқдаги жонзотлар олисдан бор бўй-басти билан кўзга ташланади.

Бир-бирига айқаш-уйқаш бўлиб ётган йўллар шу қадар кўпки, агар улардан ҳар куни ўтиб юрган одам бўлмаса, тўрт томон — қибла, деганларидек, борар манзилингизни топишингиз амри маҳол. Чўл поёнсиз, қайси йўл қаёқдан чиқишини ҳатто шу ерли милиция нозирлари ҳам гоҳо компассиз топишолмас эканлар... Сам сойлигига яқинлашганимизда йўлнинг ўнг тарафидаги бир зиёратгоҳ эътиборимизни тортди. "Бу жой қадимда қабристон бўлган", дейишди ҳамроҳларимиз. Бир фурсат тўхтаб мусулмонлик фарзини адо этдик. Эътиборимизни алоҳида тортган нарса қабристон чеккасидаги яхши сақланган бир катта мақбара бўлди. Тепаси чиройли гумбаз билан зийнатланган кенг хона шаклидаги мақбара катта аниқлик билан кесилган ва силлиқланган йирик-йирик мармарсимон тошлардан тикланган. Аввало, одамзот яшайдиган манзиллардан йироқ бўлган шундай поёнсиз чўлда меъморий жиҳатдан мукаммал ишланган ва худди яқиндагина тиклангандек таассурот қолдирувчи бу мақбара ҳайратингизни оширади. У кимнинг қабри? Ким томонидан, қачон қурилган? Замонавий италян тошкесарлик ускуналаридагина унинг плитасимон тошини тайёрлаш мумкин. Бироқ бу тош плиталар бир-бирининг орасига соч толаси ҳам сиғмайдиган қилиб ўрнатилганки, уни ҳойнаҳой мураккаб математик ҳисоб-китоблар билан қуролланмаган уста ё муҳандиснинг барпо этиши амри маҳол, дейсиз. Бунинг устига мақбаранинг ташқи деворларига санъаткорлик билан миллий нақшлар чизилган. Ички деворларга ишланган турли пойафзал ва бошқа тирикчилик анжомларининг рангин шакллари эса (суратда акс этган) уста рассом томонидан ишлангандек таассурот қолдиради.

Шу жойлик Нурсулув опанинг гувоҳлик беришича, Устюртнинг поёнсиз кенгликларида бундай ёдгорликлар кўп. Бу мақбарани эса қадимда ўтган қайсидир бойнинг қизига нисбат беришаркан. Ажабланарли жойи шундаки, мақбаранинг тарҳи ҳам, тикланиши ва зийнатланиши ҳам шу ерлик усталар санъатига ўхшамайди. У Миср эҳромлари сингари сирли туюлади.

Ҳайратга чўмганча яна илгарилаб кетдик. Кўп ўтмай олисда бурғиловчиларнинг улкан минораси кўзга ташлана бошлади. Яқинлашиб борганимизда нефт қидирувчилар қўналғасининг гўзал қиёфаси намоён бўлди. Бизни рациялару паробалик антенналар билан жиҳозланган улкан вагон-уй олдида кеча оқшом "Қорақалпоғистон" қўрғонида кўришган янги танишимиз — Евгений Николаевич кутиб олди. Салом-аликдан сўнг тезда ичкарига — иссиқина хонага кириб жойлашдик. Ташқари шу қадар совуқки, бир зум ҳам туриб бўлмайди. Бир зум исиниб олган телетасвирчилар бурғилаш иншооти иш жараёнларини суратга туширгани жўнашди. Биз эса Евгений Николаевич билан компьютерлар ишлаб турган, турли замонавий алоқа воситалари ёрдамида Устюртнинг турли бурчаклари билан боғланган ўзига хос қароргоҳда иш миқёслари билан таниша бошладик.

Сам сойлигидаги бурғилаш ишлари бир ярим йил аввал бошланган. Бу жойнинг чуқур тупроқ қатламларидан нефт ва газ конларини қидириш илк бор олиб борилаётгани учун ҳам у "Сам-1" деб номланган.

— Бурғилаш ишларини "Ўзгеонефтгазқазибчиқариш" компанияси ва Қозоғистондаги "Прикаспийбурнефт" жамияти ўртасида 2001 йили тузилган шартнома асосида олиб бормоқдамиз, — дейди Суворнов.

Контракт шартларига биноан битта параметрик қудуқни 5300 метр чуқурликкача қазиб, бурғилаш жараёнларига доир зарур маълумотлар ва материалларни барча ишлар мажмуи билан тўкис ҳолда тақдим этиш юзасидан кенг кўламдаги тадқиқот ишлари ҳам амалга оширилаётган экан.

Бурғиловчиларнинг аксарияти Россия ва Қозоғистондаги улкан газ-нефт заҳираларини излашда бой тажриба тўплаган юксак малакали мутахассислар. Уларнинг бош қароргоҳи Қозоғистоннинг Каспий денгизи соҳилидаги Атров шаҳрида бўлиб, мазкур "Каспийбўйи нефт қидирув-бурғилаш" жамияти ўзининг яхши технология, ускуна ва жиҳозларига ҳам эга.

Ишчилар бу жойда вахта усулида — ҳар ўн беш кунда алмашиб, ишлайдилар. Мутахассислар эса хорижлик ёлланиб ишловчилар сингари контракт бўйича барча ишларни якунлаб, сўнг уйларига қайтишлари мумкин. Уларга олтмиш чақирим наридаги Қарғайли артезиан қудуғидан тоза ичимлик сув келтириларкан.

Бурғилаш иншооти эллик уч метр баландликдаги 400 тонналик улкан минорадир. Мутахассисларнинг асосий эътибори унинг кечаю кундуз бир маромда узлуксиз ишлашини таъминлашдан иборат. Иншоот ва шаҳарчадаги барча иш жараёнлари ана шу мақсадга йўналтирилган. Зарур жиҳоз, ускуна ва анжомлар вақтида келтирилиб турибди. Шунинг учун ҳам бурғиловчилар кун сайин мўлжалдаги қатламга яқинлашиб бормоқдалар.

—Тўрт минг беш юз метрдан сўнг маҳсулдор қатлам бошланади, — дейди бош муҳандис Владимир Алексеевич Кирин. — Уни беш минг уч юз метр чуқурликкача кавлаймиз. Бутун умидимиз ана шу қатламдан. Мўлжалимизга кўра, бу жойлар ёнилғи заҳираларига бой. Чунки бошқа жойлардан олинган намуналар шу тахминни тасдиқламоқда.

Бинокорларнинг кўчма уйларига ўхшаш кичик вагончалардан ташкил топган бурғиловчилар шаҳарчасига кучли дизел моторлар узлуксиз электр қуввати бериб турибди. Атровдан келиб ишлаётган шифокор Марал Бастубаев нефтчиларнинг соғ-саломатлигига кўз-қулоқ. Унинг тиббий хизмат хонасида барча дори-дармонлар муҳайё экан. Нимаики зарур бўлиб қолса — рация бор, чақирилса, вертолёт ҳам хизматга шай.

Бурғилаш ишларининг устаси бўлиб кетган Алексей Яганов, Владимир Кургаев, Юрий Миллер, механик Владимир Колбоев бир маромда гуриллаб ишлаб турган иншоотда ноёб қувурларни бир-бирига улаб, ер тубига туширишмоқда. Бу қувурлардан ер юзасига чиқариб олинаётган турли тупроқ жинслари таркибига доир маълумотлар эса энг замонавий компютерлар



билан жиҳозланган лабораторияда синчковлик билан таҳлил қилиб борилмоқда. Ана шу тупроқ намуналарини "элак"дан ўтказаётган муҳандис Татяна Струкованинг ишларини ҳам катта қизиқиш билан кузатдик.

Бу жойдаги махсус техника воситаларининг муайян қисми ўзимизнинг "Устюртқидирув" бошқармамиз томонидан ўрнатилган. Шу бошқарма бошлиғи Ҳамро Турдиевнинг айтишича, Устюртнинг 105 минг квадрат-километрли саҳни ёнилғи заҳираларини қидириш бўйича истиқболли ҳисобланади. Бироқ ҳозиргача унинг атиги ўн-йигирма фоизигина ўрганилган холос. Шунга қарамай топилган газ ва нефт конлари янги-янги ёнилғи заҳираларини излашга даъват этаётир. Бу борада, Устюртнинг Сам сойлигида бўлгани каби, халқаро ҳамкорлик ишларидан умид катта.

Инсон қачондир илмий-техникавий тамаддунни, замоннинг шиддатли тараққиётини таъминлаётган газ ва нефт сингари қимматбаҳо ёнилғилар ўрнини босадиган энергия турларини кашф этар. Бироқ бугун нефт жаҳон сиёсатидаги ғоят муҳим масалалардан бири бўлиб турган экан, унинг заҳираларини янада кўпроқ очиш ва инсон манфаатларига хизмат қилдириш йўлидаги саъй-ҳаракатлар ҳам тўхтовсиз давом этаверади.

Сам сойлигидан қайтар эканмиз, бурғиловчиларнинг ҳар дақиқаси жасоратга йўғрилган мардона ишларини жавоҳир изловчилар меҳнатига менгзагимиз келди. Халқимиз тилак билдирса, бежиз "Қадамингда гул унсин", демайди. Бурғиловчилар эса бир-бирларига яхши ният айтгиси келганда бу нақлни сал ўзгартириб, "Қадамингда нефт унсин", дейишаркан. Бизнинг ҳам қалбимизда шундай ўй-ниятлар кечди. Нурсулув Сарсенова эса хазина изловчилар билан хайрлашаётиб, бу гўзал ниятларга қўшимча ҳам қилди: "Чанғарағингизда ҳамиша бахт бўлғай!"

* * *

Поёнсиз Устюрт кенгликларига оқшом чўкканда ортимизга қайтдик. Саҳронинг асрий сукунатини бузиб, моддий неъмат ахтараётган нефтчилар қўналғаси тун қўйнида нурларга чулғаниб ётарди. Бурғилаш минорасининг чироқлари эса мовий уммондаги маёқдек олис-олислардан ҳам кўзга ташланиб турарди.

**Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ,**
**Мурод АБДУЛЛАЕВ**

# МЕНИНГ МУҲАББАТИМ — ТУПРОҒИМДАДИР



Сирожиддин САЙЙИД

## СЎЗ ЙЎЛИ

Зим-зиё кечалар — сиёҳдонларим,
Сомоним қайдаю қайда донларим?

Яшил адирларим тепа бўлдилар,
Қирларим энкайиб капа бўлдилар.

Кутиб қолаверди мени туш кўриб
Бир лойшувоқ уй ҳам бир ёғоч сўри.

Ўриклар баҳорда гулин тўккандай,
Ўтинлар ўчоқда кулин тўккандай,

Мен шундай тўкилиб, олислаб кетдим,
Бир сўз айтолмайин сўз излаб кетдим.

Бунда — бир муштипар, бир ғариб тандир,
Менинг ҳаётимга тополмай тадбир,

Қараб қолаверди йўлларимга зор,
Изимда синглимнинг қирқ баҳори бор!

Оламда энг оғир — Сўзнинг йўлидир,
Бу — тўкилиш йўли, кузнинг йўлидир.

Бу йўлда не ранжким кўрмиш жонларим,
Энг аввал тортмишлар қадрдонларим.

Бориб бағрим очай тандир кўрига,
Бошим қуйиб йиғлай ёғоч сўрига.

Қанча соғинчларни дилларим ичди,
Бир шеър ҳижронида йилларим кечди...

## БИЗНИНГ ҒАЗАЛ

Бизнинг ғазални ёзмиш кўчалар,
Ойдин кечалар, хилват гўшалар.
Бизнинг ғазалнинг гоҳи ғунчадай,
Гоҳи қушчадай тарзгинаси бор.

Бизнинг ғазалнинг ҳаммаси — ҳавас,
Баъзан майсадир, баъзан эса — хас.
Кафтингга олиб тикилсанг бир пас
Ялпиз тилидай барггинаси бор.

Туғилмиш балки кўнгил оҳидан,
Балки самодан, балки ғойибдан,
Абдулла Ориф, Эркин Воҳиддан
Қарзгинаси бор, қарзгинаси бор.

Баҳридан ўтдик қанча асалнинг,
Дарсидан ўтдик қанча гўзалнинг,
Хижолат бўлманг — бизнинг ғазалнинг
Яна бир дунё дарсгинаси бор.

Гоҳи рақибдан, гоҳи ёрондан,
Гоҳи яхшию гоҳи ёмондан,
Гоҳи жаҳондан, гоҳи замондан
Унинг озгина арзгинаси бор.



Биз ёрдан кечсак, у ёр дегайдир,
Биз — беқарор, у қарор дегайдир,
Куз чоғимизни баҳор дегайдир,
Гоҳ шундай нозик таъбгинаси бор.

Бизнинг ғазал гоҳ асаларидек,
Гулми ва ё гул тиканларидек.
Ҳазрат Навоий айтганларидек:
Қофиясида айбгинаси бор.

Умид узилмас, барглар узилгай,
Гарчи ой-кунлар, йиллар чўзилгай,
Бир кун ёзилгай, албат, ёзилгай
То бу кўнгилнинг дарзгинаси бор.



## МАВҚЕ

*Шафоат Раҳматулло Термизийга*

Менинг муҳаббатим — тупроғимдадир,
Тупроқ кўчмас бўлур, мен ҳам кўчмайман.
Бир жуфт қалдирғочим қароғимдадир,
Улар учиб юрар, мен-чи учмайман.

Асли мушкул ишга мен кўнгил қўйдим,
Умримни гоҳ хаёл, гоҳ тушга йўйдим.
Сўз ичра кўкариб, сўз ичра куйдим,
Ўздан кечдим, лекин сўздан кечмайман.

Ёшлик ўтди кетди — ул оппоқ тулпор,
Ундан қирлараро қолмиш оқ ғубор.
Юзларинг лолага ўхшарди, эй ёр,
Гулгун шаробингдан энди ичмайман.

Гарчи хасдан баланд, касдан камдирман,
Дўстим, сенга ёндош қувонч, ғамдирман.
Термизий бободан қолган шамдирман,
Минг йил пуфласанг ҳам асло ўчмайман.

## АЙВОНДАГИ МУСИЧА

Нега ҳофиз бўлмагансан, мусича,
Шу беҳаё нағмаларнинг кўзича?

Қодирийни кўриб келган қушдайсан,
Сен — Кумушнинг юрагига ўхшайсан.

Мўлтир-мўлтир қарайдирсан боғларга,
Чувуллашиб юрган майна, зоғларга.

Ёркентлардан етиб келган хатмисан?
Ё Фурқатдан ёдгор қолган дардмисан?

Олам қанча алам кўрган, ғам кўрган,
Сенингдайин хоксор қушни кам кўрган.

Каломингда бўлмас эди нуқсонлар,
Балки ибрат олар эди инсонлар,

Бизнинг тилда гапирсайдинг, нетардинг?
Бир ўзбекча ашулалар айтардинг.

* * *

Қора кўзли Гулпари,
Шунчалар суюкмисан?
Холанг сени эркалар,
Қизмисан, кийикмисан?

Ерга боқсанг ер — қуёш,
Қирга боқсанг қир — ойли.
Сен холангдан гўзалу
Холанг сендан чиройли.

Бир савдо бор, мен уни
Дилга ҳавола қилай.
Кўчангдаги толингга
Мен бориб нола қилай.

Қизғиш бўлар осмонлар,
Қизил — асли қиз ранги.
Кўчангдаги толдан ҳам
Холанг сени қизғанди.

Дардларимни ўйноқлаб
Арикчалар куй қилар.
Қора кўзли Гулпари,
Холанг сени тўй қилар.

Нурга тўлар уйлару
Баланд-баланд айвонлар.
Мен севги деб кетгайман,
Юрагимда ҳижронлар.

## ОЙ ИЗИДАН

*(халқона)*

Ой бу кеч сайҳондадир,
Нур тўла хирмондадир.
Ойни бу кеч кўрмаган
Бир умр армондадир.

Оҳ, бунчалар тўлиндир,
Ўн тўрт кунлик келиндир.
Ой десам, эртакда йўқ,
На ҳуру ғилмондадир.

Қиз боради сой билан,
Челагида ой билан,
Қилиқлари, нозлари
Каклигу жайрондадир.



Қиз десам, ойча экан,
Балдоғи ёйча экан.
Қоматию сочлари
Жанжалу исёндадир.

Йил кечару ой кечар,
Сувингдан ким ой ичар?
Сенга етган кўнгилнинг
Савлати кўрғондадир.

Жамолингга Яратган
Тўлин ойни қаратган.
Ерда сарсон қанча кўз,
Қанча кўз осмондадир.

Оҳ, бу қандай ой, дилим?
Кўксимдаги сой дилим.
Вой дилим, вой-вой, дилим,
Тошкану Сурхондадир.

* * *

Инжа нозик хол тушибдур
инжа бу лаб остида,
Тушмиш ул андиша айлаб
ўнг эмас, чап остида.

Ушбу холнинг ҳолатидин
сен менинг ҳолимни кўр:
Қалб аро минг битта доғу
мингтаси қалб остида.

Қошу мижгонлардин ул
холинг қатор жаллоди бор,
Охир ўлгумдир, ёронлар,
бу қатор саф остида.

Эл аро овоза бўлдим
холга мен кўнгил бериб,
Ўтгай умрим, қолгум энди
бир умр гап остида.

## УЙҒОҚ ЙЎЛЛАР

Тошкентдан Сурхонгача,
Хоразм, Қўқонгача
Чироқлар кетар қатор,
Йўллар, манзиллар бедор.
Олам — сўнгсиз сукутда,
Донг қотган мусофирлар.
Ухламайди бу юртда
Шоирлар ва шофирлар.

ҲИКОЯ

# ПУЛ САНАЁТГАН ОДАМ

**(“Аср афсоналари” туркумидан)**

“Фақат пул, пул!”
Дея кулдим мен.
Бироқ бир лаҳза ўтмай
Сезиб қолдим
Ўзим ҳам пул ҳақда ўйлаётганимни.

**Исикава ТАКУБОКУ**

Бугун унинг туғилган куни... Тасодифни қарангки, унинг қизи айнан шу куни, июннинг ўн еттисида туғилган. У бугун йигирма еттига, қизчаси эса етти ёшга тўлади. Уйда қўшалоқ байрам. Қанча дўсту ёрлар уларни табриклагани келишади. Айниқса, қизчаси роса яйрайди. Шўх-шаддод, бир гапириб ўн куладиган бу қизалоқ ҳар гал янги йил байрамидан сўнг "Менинг туғилган куним қачон келади?" деб сўрайвериб, ота-онасини безор қилиб юборган. Улар учун йилда икки катта байрам бор: Ўттиз биринчи декабр оқшоми ва июннинг ўн еттиси...

Хотини эрталаб унга торт олиб келишни тайинлаган эди. Қизига аталган совғаларни улар тунов кун хуфиёна тайёрлаб қўйишган. Бу совғаларни кўрган қизалоқ еру кўкка сиғмай қолади. Айни шу куни қизини жуда бахтиёр, шоду хуррам кўриш мақсадида у кейинги ҳафталар ичида тинмай елиб югурди, кечани кундузга уриб ишлаб, маблағ тўплади. У метронинг ўзи юрар зиналаридан пастга тушаётганида бетоқатлик билан жуда шошилаётганини ҳис қилди. Лекин нима учун шошилаётганини ўзи тушунолмади. Кечга довур ҳали вақт кўп, ҳаммасига бемалол улгуради. Шундай бўлса-да, ички бир безовталик, руҳий нотинчлик уни ғайриихтиёрий тарзда шошилтирарди. Қаёққа, нимага, нима учун? У бу саволларга ўзидан жавоб тополмасди ва жавоб излашга тоқати ҳам йўқ эди.

Аксига олиб метрога тушган заҳоти у борадиган йўналишдаги поезд ғизиллаб жўнаб кетди. Мабодо... Мабодо, у шу поездга улгуриб қолганида, бекатга бор-йўғи ўн беш сония олдинроқ етиб келганида, ҳадемай ўзи тушиб қоладиган залолат ўпқонидан қутулиб кетармиди, балки...

У поезд йўлининг лаҳмга кириш жойида тепага ўрнатилган электр соатга қаради. Эҳе, кейинги поезд келгунига қадар ҳали беш-олти дақиқа кутиш керак. Худди шу беш-олти дақиқа унга чексиздай туюлди. Таблодаги соатда эса, зарҳал нурлар билан ёритилган рақамлар имиллашиб бир-бирларига навбат берардилар. Лаҳзалар ўз юкини тортолмай, адашиб, ҳолдан тойган карвон каби ивирсир эди. “Шу беш-олти дақиқа ўтмай қолса-я... Вақт худди шу беш-олти дақиқанинг ичида тинимсиз айланаверса-я...” — деган гумон унинг кўнглига ёқимсиз хавотир солиб ўтди. У кеча қайсидир “олди-қочди” газетада вақтнинг тўхтаб қолиши, вақт жарлиги ҳақида алламбалоларни ўқиган эди. Унда айтилишича, вақт жарлигига тушиб қолган одамлар вақтнинг бошқа ўлчамларида яшашар ва ғаройиб ҳолатларга тушиб қолишар экан.

У баҳайбат мармар устун ёнидаги ёғоч ўтирғичга бориб омонатгина ўтирди-да, яна назорат соатига қаради; ҳали бир дақиқа ҳам ўтмабди. У мармар устунга суянган кўйи, узун оёқларини олдинга узатиб, шимининг ўнг чўнтагидан бир боғлам пул чиқарди-да, агар пул санаб ўтирсам вақтнинг қандай ўтганини сезмай қоламан, деб ўйлади. Нима қипти, буям бекорчиликдаги яна бир бекорчилик-да. Боғламдаги пуллар юзталиклар эди. У санай бошлади ва пул санаётганда ич-ичида қандайдир завқу шавқ пайдо бўлиб келаётганини сезди. "Бир минг бир юз, бир минг икки юз, бир минг уч юз..." У узатган оёқларини йиғиб, бошини келишган кенг елкалари орасига тиқиб, ярим энгашган ҳолда, тирсаклари билан тиззаларига таяниб пулларини санарди. Санаш жараёнида ундаги безовталик ва бетоқатлик ўрнини аллақандай ҳирсий сурур эгаллай бошлади. “Беш минг олти юз, беш минг етти юз, беш минг саккиз юз...” У метро бекатида навбатдаги поездни кутаётган одамларга, бир-бирларига ҳазил-ҳузул қилаётган йигит-қизларга, йўлкира ҳаққининг кўтарилиши ҳақида куйиниб бидирлашаётган аёлларга эътибор ҳам қилмай қўйди. “Тўққиз минг етти юз, тўққиз минг саккиз юз, ва ниҳоят, тўққиз минг тўққиз юз сўм!” Сўнг у пулларни текис тахлаб, бир боғлам қилиб боғлади-да, пул чангаллаган қўлини ҳавода икки уч бор силкитиб қўйди.

У яна соатга қаради: уч дақиқа ўтибди. Поезд яна икки дақиқалардан сўнг келади. Тўққиз минг тўққиз юз!!! Қанийди шу пуллар тўқсон минг бўлиб қолса... У санайверса, санайверса, санайверса... Ҳеч чарчамаса, ахир, пул санашдан ҳам одам чарчар эканми! Чунки, пул санашнинг ҳам ўз завқи бўлади. Пул санаётганингда ўзингни одатдагидан кучлироқ ҳис қиласан. Ё яна санасамикин?.. Бор пулини санаб бўлди, бошқа санайдиган сариқ чақаси ҳам йўқ-ку. Борди-ю, шу пулнинг ўзини қайтариб санайверса-чи?.. Келган жойидан, тўққиз минг тўққиз юзнинг устидан, ўн мингдан бошлаб санаб кетаверса-чи? Ахир... бу ўз-ўзини алдаш эмасми? Йўқ нарсани бор деб хом хаёл қилишдан не наф? Нима қипти, буям бир ўйин, буям бир кўнгилхушлиги. Одамлар бўш вақтларини карта ўйнаб ҳам ўтказишади-да. У пул санаб ўз-ўзини хурсанд қилса, бунинг бировга зиёни тегармиди? Ҳа, буям бир ўйин, вақтни тезроқ, ҳузур билан ўтказиш учун шунчаки бир ўйин! Қолаверса, пул санаётганда уни қийнаётган бетоқатлик йўқолиб, қайтанга кўнгли ёришиб, кўзлари яшнаб боряпти-ку.



У боғламдаги пулларини яна бир бошдан қайта санай бошлади. "Ўн минг, ўн минг бир юз, ўн минг икки юз... Ўн минг уч юз..." Унинг ёнига ўрта яшар бир аёл келиб ўтирди. Кўринишидан аёл шаҳарга меҳмонга келганга ўхшар эди. Аёл йигитдан: "Бодомзор" бекатигача қандай борилади?" деб сўради. У аёлнинг саволини эшитмади, ҳатто уни пайқамади ҳам. Аёл поезд йўналишини бошқалардан сўраб билиш учун ўрнидан туриб нари кетди. "Ўн етти минг уч юз, ўн етти минг тўрт юз..." Шу пайт поезд гувиллаб келиб, бекатда тўхтади. Мовий рангли вагонларнинг барча эшиклари бараварига очилди. Метро бекати бўйлаб ёқимли овоз таралди: "Пахтакор" бекати..." Йўловчилар уриниб-туртиниб поездга чиқа бошлашди. У эса узун бармоқлари орасидан кетма-кет сирғалиб чиқаётган пулларга қараб: "Яна озгина қолди, энди санаб охирига етказай", деб санашда давом этди. Ёқимли овоз яна таъкидлади: "Эшиклар ёпилади. Кейинги бекат... Майли кетаверсин, ҳали унинг вақти кўп. Кейинги поезд билан кетади. “Ўн тўққиз минг етти юз, ўн тўққиз минг саккиз юз!” Поезд жўнаб кетди. У эса, ўйинни тўхтатишни сира истамасди. Аллақандай ноаён завқ ва сурур унинг бутун вужудини эгаллаб, ихтиёрини иродасидан тортиб олаётган эди. У ўзини тўхтатолмади, ўша бир боғлам пулини яна бир бошидан санай кетди. “Ўн тўққиз минг тўққиз юз, йигирма минг...” Қанийди, у пул санашдан сира тўхтамаса... Санайверса, санайверса... Унинг пуллари миллионлардан, миллиардлардан ошиб бораверса... У санайверса... Жоннинг роҳати экан-ку, бу ўйин. “Йигирма тўрт минг уч юз, йигирма тўрт минг тўрт юз...”

Поездлар ҳар беш-олти дақиқада уни чорлаб ҳар икки ёнидан гувиллаб ўтавердилар, унинг эса ўрнидан қўзғалгиси ҳам келмасди. У мук тушганча ўз машғулотини давом эттирар эди. “Эллик беш минг бир юз, эллик беш минг икки юз...” Унинг димоғига гупиллаб атир ҳиди урилди. Бир нозанин чап ёнидан келиб, унга тиқилиброқ ўтирди. Шунда унинг хаёли бир чалғиди-ю, яна пул санашга тушиб кетди. Бошқа пайт бўлганда-ку, у қизга албатта эътибор кўрсатарди, мулозимат ҳам қилиб қўярди. Ахир, йигирма етти ёшли ҳар қандай йигит қўлтиғи остидан туртиниб келаётган бир сулувга қараб қўймай иложи йўқ. Лекин, ҳозир у чалғимаслиги керак.

“Икки юз эллик бир минг икки юз, икки юз эллик бир минг уч юз...” У тобора авжга минар ва ўзи қилаётган ишидан жуда роҳатланарди. Энди у пули бор-йўғи тўққиз минг тўққиз юз сўм эканлигини ҳам унутиб қўйганди. Унинг вужудини, руҳини, онгини ҳузурли бир васваса бутунлай эгаллаб олди. “Уч миллион бир юз эллик минг юз, уч миллион бир юзу эллик минг икки юз...”

* * *

Кунлар кетидан ойлар, ойлар кетидан йиллар ўтиб кетавердилар. Поездлар кеча-ю кундуз бир-бирларига қарама-қарши томонга гувиллаб ўтишар, ушбу бекатда бир тўхтаб, нафас ростлаб, яна ўз манзили сари шамолдай тинимсиз елар эдилар. Бора-бора ҳеч ким, ҳатто метрополитен ходимлари ҳам бекатда, ўтирғич устида мук тушган кўйи пул санаб ётган одамга эътибор қилмай қўйишди. У атрофдагиларни бутунлай унутди, атрофдагилар эса уни эсдан чиқаришди. “Тўқсон миллион бир юзу ўттиз икки минг етти юз, тўқсон миллион бир юзу ўттиз икки минг саккиз юз...” У пул санай туриб, ўзининг тобора куч-қудратга тўлиб бораётганини, энди бир ҳамла билан жуда кўп нарсаларга эга бўлиши мумкин эканлигини чуқур ҳис этарди. Бу эса уни яна ва яна санашга ундарди. “Ўн миллиард икки юзу эллик миллион икки юз, ўн миллиард икки юзу эллик миллион уч юз...” У бармоқлари орасидан ўйнаб чиқаётган сон-саноқсиз пуллар тимсолида ҳайбатли қасрлар ва кошоналарни, автойўлларда оққушдай сузиб бораётган энг қимматбаҳо автомобилларни, шоҳона базму жамшидларни, унга сеҳрли ишвалар ва дилтортар нозлар ҳадя этаётган, биттагина имосига илҳақ турган нозанин ойимчаларни, хуллас, унинг кўнгил истакларининг мукаммал ижобатини аён кўрарди. Эгалик ва Ҳукмронлик ҳирси уни юксакларга кўтарар ва мамнун этарди. У ўзини шу дабдабаю асъасалар, кибри ҳавою васвасалар устидан ягона ҳукмрондай сезарди. “Эллик миллиард беш юзу етмиш миллион икки юзу йигирма минг уч юз, эллик миллиард беш юзу етмиш миллион икки юзу йигирма минг тўрт юз...”

* * *

Унинг соч-соқоллари оқариб, юзини ажинлар қоплади, кўзларидан нур кета бошлади. Неча йиллар ўтибдики, у метронинг рутубатли бир бекатида, сип-силлиқ ўтирғичда ўтириб, кеча-ю кундуз уйқу бетини кўрмасдан тобора “семириб” кетаётган рақамларни санарди... Санарди... Аввалги роҳат, ҳузур, завқу шавқ ва нафсоний сурур энди унинг учун оғир ва машаққатли меҳнатга айланиб борарди. У ҳовлиқиб, ҳансираб, гўёки энг муҳим ишга улгуролмай қоладигандай шошилиб... санарди. Энди у нимага, нима учун ва қандай мақсадда пул санаётганини ҳам ўзи билмасди. У ўз ҳаётини йўқотиб қўйганини ҳам англай олмасди. Фақат санаши керак, санаса бўлгани, санашда тўхтаса бас, ўлади, тамом бўлади, бутунлай йитиб кетади. У буни яхши билади. У ўлмаслиги керак!

Поездлар гоҳо чинқириб, гоҳо гувиллаб унинг икки ёнидан елиб ўтишар, миллионлаб йўловчилар ер остидан ер устига қараб шошилишар, метро лаҳмларига қамалиб қолган шамоллар ташқарига, табиат ва ҳаёт сари интилишарди. У эса ўзлигини унутиб, қартайиб қолган бармоқлари билан пул санарди. “Уч юз миллиард эллик миллион икки юзу ўттиз бир минг уч юз, уч юз миллиард эллик миллион икки юзу ўттиз бир минг тўрт юз...”

* * *

Бир куни у ўзига кулимсираб тикилиб турган бир болага эътибор қилди. Етти ёшлар чамасидаги бу боланинг беғубор чеҳрасида ҳаёт барқ урарди. Унинг катта-катта самимий кўзлари чиройли кулиб турарди. У шунда ўзи унутиб юборган, бир пайтлар ўзи яшаб кўрган ўзга бир ҳаёт, бошқа бир олам бор эканлигини ғира-шира эслагандай бўлди, қотиб қолган кўнглида нимадир қўзғалди. Лекин, чангалидаги титилиб, идраб қолган пулларга кўзи тушиши биланоқ, тағин ўз ишига киришиб кетди. У яна ҳисобдан адашмади. Мабодо, шу дамда саноқдан янглишиб кетганида... Йўқ, йўқ, у чалғимаслиги керак. Бошқа ҳаёт бўлса бордир, аммо унинг ишлари кўп, аллақандай майда-чуйдаларга чалғиб, ўз вазифасидан кечолмайди.

* * *

У кундан-кун қариб-қартайиб, тобора куч-мадордан қолиб борарди. Ўтирган ҳолатда ҳам унинг оёқлари дириллаб, пул санаётган қўллари қалтирайдиган, бели ва елкалари зирқираб оғриб, азоб берадиган бўлиб қолди. Уни рутубат ва укубат емириб борарди. Ва ниҳоят... Ва ниҳоят бир куни унинг қулоғига кирмай қўйган ўша ёқимли ва жозибали овоз ногаҳон янгради: "Эшиклар ёпилади! Кейинги бекат: "Халқлар дўстлиги!" Поезд вагонларининг ҳамма эшиклари тақа-тақ ёпилди! “Тўққиз юз миллиард тўққиз юз миллион тўққиз юз минг тўққиз юз сўм!” У пул санашнинг охирига етганди. У бир боғлам юз сўмликларни қоқсуяк қўлларида чангаллаган кўйи атрофига аланглади ва бошқа бир оламга тушиб қолгандай ичида ҳайрат ҳам, изтироб ҳам баравар уйғонганини англади. У санашдан тўхтаган эди. Аммо бу пайтда поезднинг барча эшиклари ёпилиб қолган эди. У баҳайбат мармар устунга суянган ҳолатда ҳушидан кетди.

Бироздан сўнг у олағовур товушлар ичида ғира-шира ўзига келди. Кимдир таассуф билан таъна қиларди: “Шундай қариб, мункиллаб қолган чолнинг бир ўзини кўчага чиқариш инсофдан эмас-да.” Яна кимдир унга қўшилди: “Тўғри айтасиз, бу ўзбекчиликдан эмас! Ўғлими, набирасими ёнида юрса бўлмайдими?..” Тағин ачиниш оҳангида бир овоз эшитилди: “Ким билади дейсиз, балки, шўрлик қариянинг ўзидан бошқа ҳеч кими йўқдир. Бўмасам, бир ўзи ўлигини судраб метрода юрармиди?..” Яна биров гапга қўшилди: “Бечора чол метрогача қандай келдийкин? Рангини қаранг, пахта дейсиз, бир томчиям қони йўқ. Соқоли билан юзининг ранги бир тус бўлиб қолибди. Ёшиям тўқсонлардан ошган кўринади.”

У эса ўзича ғудранарди: “Қанақа тўқсон?.. Ахир, бугун йигирма еттига тўламан-ку! Қизим еттини тўлдиради. Бугун икковимизнинг ҳам туғилган кунимиз. Кечқурун уйимизга меҳмонлар келишади. Ҳозир бозордан торт олишим керак. Шошилмасам бўлмайди.” У ўрнидан турмоқчи бўлди ва бир қўзғалди-да, инграниб жон берди. Унинг қоқсуяк, рангпар қўллари бир боғлам увада юз сўмликни — тўққиз минг тўққиз юз сўмни маҳкам чангаллаган ҳолатда қотиб қолган эди.

**Эшқобил ШУКУР**

Ражаб ИСЛОМБЕК

# ЮРАГИМДА ВАТАН ИШҚИ



*Ражаб ИСЛОМБЕК—Халқаро ахборотлаштириш академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Россия тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Оврўпа қалқонсимон безни тадқиқ қилиш уюшмаси аъзоси, Москва эндокринология институтининг профессори. 130 дан ортиқ илмий асар, 7 та монография муаллифи.*
*Эътиборингизга олимнинг шеърий машқларидан ҳавола этилмоқда.*

Қуёш учиб борар, Ер айланар жим,
Юрагим, дукиллаб ургил бетиним.
Кўксимга муштларинг тушмоқда қаттиқ,
Сен севиб қолибсан, демак, юрагим.

* * *

Қайлардасан, менинг азизим,
Ҳижрон берар дилимга азоб.
Йўлларингда интизор кўзим,
Қайлардасан, жавоб бер, жавоб.

Сенсиз йўқдир умримда маъни,
Битта табассуминг кифоя.
Кел, қалбимнинг танҳо гулшани,
Мангу ишқдан айттил ҳикоя.

Сен келмасанг, юракда ваҳм,
Келсанг, етар кўкларга бошим.
Мен хастага ўзинг қил раҳм,
Юрагимга нур соч, қуёшим.

Ағёрларга қилмасман парво,
Улар жуда ожиздир, ишон.
Дилимдаги ишқ ўтин асло
Ўчиролмас ҳеч ким, ҳеч қачон.

* * *

Тепиб тургил, қалбим, доим тепиб тур,
Юрагим, кўксимда тиним билмай тур.
Айттил, оромингни ўғирлаган ким,
Ким солмиш бунчалар ғалаён, сурур.

Мавж уриб туради уйғоқ силсила,
Демак, кимдир солмиш сенга зилзила.
Демак, сенга тушмиш мангу бир индо,
Биринчи севгидек туғён, ғулғула.

Сени жиловламоқ келмас қўлимдан,
Оташ сочилмоқда яна дилимдан.
Куй янграр. Ёдимда бир малак пайдо,
Яна ишқ ўртайди қалбимни зимдан.

## ТЎРТЛИКЛАР

Чарх уриб боракан курраи замин,
Ҳаво, ер, денгизу ўрмонлар бетин.
Моҳият қайдадир? Суқротдан бери
Ҳамон шу жумбоқдир, сирдир яширин.

* * *

Мен қанча беморга беролдим шифо,
Қалб дарзин тушуниб етмадим аммо.
Ожиз қолганимда қилдим муножот:
— Ўзинг мададкорсан, Оллоҳим, танҳо.

* * *

Фарзандда истеъдод бўлмаса агар,
Қамчию калтаклар бермагай самар.
Ҳар кимга бир хислат бергай табиат,
Сен ўша хислатни топгил, эй падар.

* * *

Аҳмоқни катта ё кичик деб бўлмас,
Унга дил сирини ҳеч очиб бўлмас.
Нодон пиширарки шундай бир таом,
Бу таомни зинҳор еб-ичиб бўлмас.

* * *

Марварид садафда етилгай роса,
Кўзинг яйраб кетар мундоқ ушласанг.
У жило бермасди камалак каби,
Агар нур тушмаса, ёғду тушмаса.

* * *

Ҳар қачон ҳаммага меҳнат яхшидир,
Донога риёзат, заҳмат яхшидир.
Яхши фарзанд учун ота-онага
Эл-юртидан қайтган раҳмат яхшидир.

* * *

Кечирилган душман дўст бўлиб қолмас,
Дўстинг ранжиса-да ёвга айланмас.
Инсон қай юртларда яшаб юрмасин,
Юрагида Ватан ишқи ёнар, бас.



ИККИ ОҒИЗ ДИЛ СЎЗИ

# ЗАҲМАТКАШ АДАБИЁТШУНОС

Ўтган асрнинг 50-йилларида ўзбек адабиётшунослигига кириб келган олимлар орасида профессор Собир Мирвалиевнинг ҳам ўзига хос ўрни бор. Яқинда заҳматкаш олимнинг таваллудига 70 йил тўлди. Олим умрининг ярмидан зиёдини адабиётшунослик илмига, XX асрда яшаб ижод этган ўнлаб ёзувчилар ҳаёти ва ижодини ўрганишдек хайрли соҳага бағишлаб келмоқда.

Собир Мирвалиев Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида таҳсил олган йиллари Мақсуд Шайхзодадек улуғ бир устозга рўбарў келади. Устоз Собиржон шуурига илм-маърифат ёғдуларини тўкибгина қолмай, унга меҳрибонликлар ҳам кўрсатади. Кунларнинг бирида эса Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтига бошлаб бориб, унинг шу институт қошида очилган Адабиёт музейи, кейинчалик институтнинг ўзида илмий-тадқиқотчилик фаолиятини бошлашига сабабчи бўлади.



Кўп ўтмай институтга Азиз Қаюмов раҳбар этиб тайинланди. У Фитратнинг 100 йиллиги муносабати билан Собиржон ёзган мақолани ўқиб, уни институтда янги ташкил этилган "Ўзбек тили ва адабиёти масалалари" журналига тавсия этибгина қолмай, журналнинг бош муҳаррири академик Ойбекка ёрдамчи этиб ҳам белгилади. Шу тарзда Собир Мирвалиев 1958 йилдан 1963 йилгача мазкур журнал таҳририятида самарали фаолият олиб борди. Айни пайтда у Азиз Қаюмов раҳбарлигида "Ўзбек адабиётида хорижий халқлар ҳаёти ва курашининг ифодаланиши" мавзуида номзодлик диссертациясини ёзди. 1971 йили эса "Ўзбек романларининг тараққиёт йўли" мавзуида докторлик диссертациясини муваффақият билан ёқлади. Олимнинг ушбу диссертацияга асос бўлган "Ўзбек романи" монографияси (1969) эса узоқ йиллар мобайнида XX аср ўзбек адабиётининг бу етакчи жанри бўйича бирдан-бир манба бўлиб хизмат этди.

Ўтган асрнинг 60 — 90-йиллари Собир Мирвалиев илмий ҳаётининг энг сермаҳсул даври бўлди, десак, унинг кейинги йиллардаги фаолиятини камситмаган бўламиз. У айнан шу даврда кўплаб китоб, рисола ва мақолалар эълон қилди. Шу даврда нашр этилган "Ҳаёт ва кураш поэзияси" (1962), "Қалблардан — қалбларга" (1966), "Тарихийлик ва замонавийлик" (1976), "Адабиёт — давр даъваткори" (1982), "Роман ва замон" (1984), "Наср, давр, қаҳрамон" (1984), "Адиб ижодхонасида" (1992), "Ўзбек адиблари" (биринчи нашри, 1992), "Истеъдоднинг қўш қаноти" (1993), "Ўзбек адиблари" (иккинчи нашри, 1993) каби китоб ва рисолалар олимнинг уйғоқ ўзбек адабиётшунослари сафидан ўрин олишига имкон яратди.

Собир Мирвалиев 1974 йилдан бери Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институтининг ўзбек адабиёти кафедрасида дастлаб кафедра мудири, ҳозир эса профессори лавозимида хизмат қилиб келади. У айни пайтда Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳам алоқасини узмай, XX аср адабиёти бўлимида ўриндошлик асосида хизмат қилмоқда. Мазкур институтда XX аср адабиёти бўйича ёқланган номзодлик ва докторлик диссертацияларининг қиёмга етиши ва муваффақият билан ёқланишида унинг ҳам хизматлари оз эмас. Умуман, олим илмий фаолияти мобайнида йигирмадан зиёд докторлик, ўттиз бешдан ортиқ номзодлик диссертацияларига илмий раҳбарлик ва оппонентлик қилган.

Собир Мирвалиев талабалик йилларида Самарқанд дарвоза маҳалласидаги мактабда ўқитувчи бўлиб ҳам ишлаган эди. Тошкент шаҳрининг бу қадимий даҳаси эса улуғ ўзбек адиби Абдулла Қодирий номи билан боғлиқ. Билмадим, Собиржон Абдулла Қодирий ҳаёти ва ижоди билан ўша кезлардаёқ қизиқа бошлаганми ёки йўқми, ҳар ҳолда, адиб ижоди унинг бутун илмий фаолияти оша "қизил ип" бўлиб ўтади.

Собир Мирвалиев XXI асрни янги илмий ният ва режалар билан қаршилади. У узоқ йиллардан бери мукаммаллаштириб келаётгани "Ўзбек адиблари" китобининг янги нашрини (2000) қатағон-қирғин этилган ёзувчилар тўғрисидаги маълумотлар билан тўлдирди. "Абдулла Қодирий" монографиясини нашрга тайёрлади. "Шаҳидлар хотираси" хайрия жамғармасининг фаолларидан бири, янги ташкил этилган "Қатағон қурбонлари хотираси" музейининг ўриндошлик асосидаги етакчи илмий ходими сифатида номлари халқ тарихидан ўчириб юборилган кишилар ҳақидаги ҳақиқатни рўёбга чиқаришдек хайрли ҳаракатда жонбозлик кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиев қутлуғ ёшини 20га яқин монография, китоб, рисола ва 400дан зиёд мақола билан кутиб олди.

Биз заҳматкаш олимнинг янги илмий-ижодий режалари рўёбга чиқиши йўлида катта ютуқлар тилаймиз.

**Наим КАРИМОВ**

ЁДНОМА

# ИБРАТЛИ ҲАЁТ ЙЎЛИ

XX аср ўзбек адабиётшунослигининг адабий жараёндаги ижтимоий ўрнини белгилашда филология фанлари доктори, профессор Бердиали Имомовнинг ўз ўрни бор.

Олимнинг жанговар ҳаёт йўли, илм-фан соҳасидаги фаолияти ибратлидир. У 1922 йилнинг 20 декабрида Тошкент шаҳри яқинидаги Бешкўрғон қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1942 йили ўрта мактабни тугатгач, ҳарбий мактабда ўқиди. Иккинчи жаҳон уруши жангоҳларида кўрсатган жасоратлари учун "Қизил юлдуз" ва "Шуҳрат" орденлари, медаллар билан тақдирланди. Урушдан қайтгач, Ўрта Осиё давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ), ЎзФА Тил ва адабиёт институти аспирантурасида таҳсил олди. 1951-1957 йиллари газеталарда, "Шарқ юлдузи" журналида ишлади. 1955 йили "Ғафур Ғулом ижодида В.Маяковский анъаналари" мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади.



У 1960 — 1970 йиллари Тил ва адабиёт институтида катта илмий ходим бўлиб ишлади. Шу ерда 1968 йили "Ўзбек драматургиясида маҳорат масалалари" мавзуида докторлик диссертациясини ёқлади. 1970 йилдан умрининг охиригача Тошкент давлат университети ўзбек адабиёти кафедраси профессори лавозимида фаолият кўрсатди.

Ўтган асрнинг 50-йилларида ўз ижодий фаолиятини бошлаган Б.Имомов адабиётимизнинг барча жанрларига оид долзарб муаммолар билан қизиқди. Заҳматкаш олим, айниқса, ўзбек драматургиясининг назарий масалаларини тадқиқ этишга кўп эътибор берди. "Замон хизматида"(1965), "Ҳаёт ва драматик конфликт"(1968), "Ҳаёт ва ижод"(1971), "Драматургик лавҳалар"(1974), "Трагедия ва характер", "Ҳозирги драматургиямиз уфқи", "Йиллар нафаси"(1983), "Драматургик маҳорат сирлари"(1991) сингари монография ва рисолаларида Б.Имомов ўзбек драматургиясининг ривожланиш йўллари, драматик конфликт ва характер масалаларини тадқиқ қилди, трагедия ва комедия жанрларининг назарий асослари ҳамда типологиясини ёритиб берди.

"Ўзбек болалар адабиёти юксалишда"(1973), "Пўлат Мўмин", "Ҳомил Ёқубов" каби китобларида эса муаллиф болалар адабиёти қўлга киритган муваффақиятлар ва унинг тараққиёт хусусиятларини умумлаштирди, болалар ёзувчилари ижодидаги ўзига хосликни кўрсатиб берди. Ўзбек танқидчилигининг забардаст намояндаларидан бири Ҳомил Ёқубов ижодига бағишланган рисолада эса, атоқли адабиётшуноснинг ўзбек адабиёт илми ривожидаги ўрни ва хизмати холисона баҳоланди.

Шу ўринда Б.Имомов ўз илмий фаолиятида амал қилган бир услубни эслаш жоиз: олимнинг барча китоб, мақолаларида тадқиқотнинг назарий йўналиш ва академик руҳда бўлиши характерли хусусият эди.

Б.Имомов XX асрнинг 40-йилларидан вақтли матбуотда шеър, ҳажвия, интермедия, очерк ва ҳикоялари билан қатнашиб келган ижодкор. У 70-йилларга келиб автобиографик ва ҳаётий материаллар асосида "Ҳорманг, қуролдошлар" (1977), "Жанггоҳ садолари" (1986), "Сўнгги ҳужум" (1990) каби насрий асарлар ёзиб, замондошларини халқимизнинг уруш воқеаларига доир қаҳрамонликлари билан таништирди."Дувараклар" (1984) ҳажвия ва интермедиялар китобида ҳаётда енгил-елпи йўлни танлаган кимсалар, нопок кишилар башараси фош этилади.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Бердиали Имомов мутахассис кадрлар тайёрлаш борасида ҳам самарали фаолият кўрсатди. Унинг раҳбарлигида кўплаб номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланди.

Домлани билган ва у билан мулоқотда бўлган ҳар бир зиёли у кишининг табиатидаги илмий принципиаллик, холислик ва камтарлик, дўстларга ҳамкору ҳамдардлик, шогирдларга бағрикенглик ва ғамхўрлик каби фазилатларни қадрлаши табиий. Бундай фазилатлар олим умрига зеб бериб турувчи, замондошлари қалбида ўчмас хотира бўлиб қолувчи инсонийлик белгисидир.

**Дамин ТЎРАЕВ,**
**Қарши давлат университети профессори**

Дунё — кенг...

## ФУЧИКНИНГ "КАТТА ЎЙИНИ"

**Бир пайтлар коммунистнинг намунаси саналиб, жуда кенг тарғиб қилинган чехиялик журналист Юлиус Фучикнинг таваллудига 100 йил тўлди. Собиқ шўролар салтанати қулаганидан кейин Фучик ҳақидаги ҳақиқатлар аён бўла бошлади.**

Қарийб ярим аср мобайнида нафақат истеъдодли публицист, балки яширинча фаолият юритишнинг устаси сифатида жасурлиги мадҳ этилган курашчи эҳтиётсизлиги боис фашизм қурбони бўлгани ойдинлашди. Чехиялик тарихчи М.Шишка "Право" газетасидаги мақоласида Фучикнинг Прагада Горак исмли профессор номига ёзилган паспорт билан қўлга олиниб, қамоққа ташлангани оддий эҳтиётсизлик оқибати сифатида баҳоланади.

Қамоқда Фучик фашистларнинг кирдикорларини фош этувчи лавҳаларни 167 варақ қоғозга ёзиб, варақларни буклаб, яширин йўл билан ташқарига чиқарган. Бу қўлёзмалар 1945 йили, фашизм устидан ғалаба қозонилгач, эълон қилинди ва ҳозирги ибора билан айтганда, бестселлерга айланди.

Қизиғи шундаки, ўша қўлёзмаларнинг охириги тўрт варағи эллик йил ўтиб эълон қилинди. Бу варақларда Фучик қамоқхонада гестапо билан олиб борган "катта ўйини" ҳақида ёзган. Сўроқларда сукут сақлашни лозим кўрмаган Фучик бу "ўйин"лари ҳақида келажак авлодлар қандай хулосаларга келишини вақт ҳукмига ҳавола қилган кўринади. Собиқ Чехославакия компартияси журналистнинг ошкора ёзганларини эллик йил пинҳона сақлаб, унинг афсонага айлантирилган номини "тоза сақлаш"га урингани сир эмас.

Юлиус Фучикнинг қамоқхонада ёзган машҳур репортажлари ҳам бир неча марта шубҳа остига олинган. Ҳатто бу борада "бу қадар кўламли ва услубига кўра ғоятда пишиқ-пухта китоб қамоқхона шароитида ёзилиши даргумон", деган фикрлар ҳам айтилганди. 90-йилларда қўлёзмалар устида ўтказилган экспертиза ўша 167 варақдаги ёзувлар Юлиус Фучикка тегишли эканини исботлади.

## ШАҲАР ОРАЛАГАН ЙЎЛБАРС

**Одатда, кичик шаҳарларга зоопарклар онда-сонда "ташриф буюради". Шундай қувончли воқеа Россиянинг Венев шаҳарчасида содир бўлганда, томошалар кутилмаган ташвиш орттириши ҳеч кимнинг хаёлига келмаган эди.**

Гап шундаки, веневлик болакайларга ҳам, катта ёшдагиларга ҳам зоопаркнинг ҳайвонлари алоҳида бир севинч ҳадя этолмади. Ҳайвонларнинг озиб-тўзиб кетганини кўрганларнинг айримлари ҳатто кўзига ёш олди. Бундай шароитда зоопарк ходимларининг ароқхўрликка берилиб кетишгани оч йўлбарсга қўл келди — эшиги очиқ қолган йиртқич озодликка чиқди.

Йўлбарс икки кун шаҳарчада сайр этди. Зоопарк ходимлари аввалига йўлбарснинг катагидан чиқиб кетганини яширишди. Бу орада йўлбарс шаҳардаги итларни қийратишга киришганди. Йўлбарсни зоопаркда ит гўшти билан боқишгани боис, йиртқич на сигир, на чўчқага тегинмас, итни кўрса гумдон қиларди. Эҳтимол, зоопарк маъмурияти ҳисоботларда йўлбарсга сигир гўшти берилаётганини қайд этишгандир, бироқ уларнинг кўзбўямачиликларини онгсиз ҳайвон фош этиб қўйди. Боз устига, йўлбарс одамларга ҳам ташланмади, уларга ўзини овқатлантирадиган зоопарк ходимларига қарагандай муносабатда бўлди.

Хуллас, шаҳарчадаги милиция бўлими воқеадан хабар топгач йўлбарс "ови"га киришди ва бу ишни уддалашиб, йиртқични катагига қамашгач, кўчма зоопарк ходимлари хайрни насия қилиб, шу кунидёқ шаҳарчадан жуфтакни ростлашди.

## ЖИНСИНИНГ "ОТА"СИ КИМ?

**Ҳамма нарсанинг интиҳоси бўлганидек, ибтидоси ҳам бор. Хусусан, жинси шиму камзулларнинг ҳам. Жинси қаерда пайдо бўлгани-ю, ким томонидан тарғиб қилиниб, бунчалик машҳур бўлиб кетгани кўпчиликни қизиқтириши табиий.**

Ғаройиб нарсалар тасодиф туфайли пайдо бўлади, дейишади. Бу доно фикр жинсига ҳам тегишли. XIX аср ўрталарида Леви Страусс деган бўз бола Бавариядан Сан-Францискога келади ва бу шаҳарда баққоллик дўкони очиб, унда қайиқларга елкан тикиладиган пишиқ ва қалин мато ҳам сотади.

Бир куни у харидорлардан бири билан гурунглашиб, унинг "дарди"га қулоқ тутади. Харидор ҳеч қаерда узоқ вақтга чидайдиган, пишиқ матодан тикилган шим тополмаётганидан ёзғиради. Леви уни таниш тикувчисига олиб бориб, ўзи сотаётган дағал жигарранг матодан шим тиктиртиради. Генуэзлик денгизчилар кийиб юрадиган ана шу шимларнинг дастлабки бир жуфти 1853 йили тикилган эди. Ана шу шимларни "жинси" деб номлашди, гарчи бу ном Л.Страуссга ўтиришмаган бўлса-да.

Ўта чидамли янги шимлар пайдо бўлгани ҳақидаги хабар тез тарқалди, буюртмалар дўлдай ёғилди ва 1870 йилга келиб Леви Страусс миллионерга айланди.

Ўтган 150 йиллик тарихи мобайнида жинсилар деярли ўзгармади — моделерлар айрим деталларнигина алмаштиришди. Сан-францисколик ўша тикувчи ўйлаб топган жинси шимлар бичими ҳануз аслича сақланиб қолган.

Жаҳон адабиёти дурдоналари

ҲИКОЯ

# ТИЛАНЧИ

**Сомерсет МОЭМ, инглиз ёзувчиси**

Мен Вера Крузга Юкатонга борадиган кемага илиниш учун Мехикодан келган эдим. Лекин бир кун аввал докерларнинг иш ташлаши бўлиб, кема портга чиқа олмаслигини эшитдим. Хуллас, Вера Крузда қолиб кетдим. "Далиженсиз" меҳмонхонасидан деразалари майдонга қараган бўлма олиб, тонгни шаҳарни кезиш билан ўтказдим. Жинкўчаларда тентираб, чиройли ҳовлиларни томоша қилдим. Жимжимадор қилиб безатилган ибодатхонага кирдим. Кейин эса кўришга арзийдиган нарсани кўриб бўлганимни тушуниб, кунгурали панжара деворлар билан ўралган майдондаги салқин бир жойга ўтирдим ва виски буюрдим. Қуёш нурлари майдонни, у ердаги чанг босган дарахтларни аёвсиз қиздирарди. Улкан қора қарғалар дарахтларга қўниб, ерга тушишарди-да, тўкиндиларни титкилаб, ибодатхона томига учиб чиқардилар.

Майдонни кесиб ўтаётган одамларни кузата бошладим: негрлар, ҳиндулар, испанлар; қора мум билан фил тишининг ранги бир-биридан фарқ қилганидек, уларнинг ранглари ҳам бир-биридан кескин ажралиб турарди. Кун ёришиши билан одамлар атрофимдаги столларни тўлдира бошладилар. Асосан эркаклар нонуштадан аввал озроқ ичиш учун келишарди. Маҳаллий газетадан сотиб олганимга қарамай, болалар худди шу газетани менга тиқиштира бошлашди. Гард ҳам қўнмаган туфлимни тозалашга чоғланган болаларга, чамамда, йигирма мартача "Йўқ", дедим. Бор майда пулларимни берганимдан сўнг ҳам, ҳол-жонимга қўймаётган тиланчиларга бош чайқаб туришдан бошқа иложим қолмади. Боласини шолрўмол билан орқасига боғлаб қўйган жиккаккина ҳинду аёл чўпдек озғин қўлларини чўзди. Олдимга қандайдир сўқир кишиларни етаклаганча бир тўда бола келди, майиблар ўзларининг майиб жойларини кўрсатди, яримяланғоч гўдаклар эса тинмай чақа сўради.

Лекин кутилмаганда кўзим бир тиланчига тушди. Бошқа тиланчилар ва атрофимдаги столларда ўтирган қора сочли одамлардан фарқли тарзда, унинг соч-соқоли қип-қизил эди, шунчалик қизил эдики, бир муддат кўзимни узолмай қолдим. Соқоли чигал бўлиб ётар, узун сочи эса ойлаб тароқ кўрмагандек эди. Эгнида шим билан пахтали тўқима кўйлак, лекин бу шим билан кўйлак шунчалик увада эдики, эгнидан тўкилиб кетай деб турарди. Мен бунчалик озғин одамни аввал сира кўрмагандим: унинг оёқлари, яланғоч қўллари қоқсуяк эди, кўйлагининг йиртиқларидан қовурғалари кўриниб турарди. Тупроққа буланган оёқларининг суякларини бемалол санай олардингиз. У қари эмасди. Нари борса, қирқларда эди ва у қандай қилиб бундай аҳволга тушган экан, деб ўйлай бошладим. Иш топса, жон деб ишласа керак, деб ўйладим. Шунча тиланчилар орасида фақат угина бир оғиз ҳам гапирмади. У миқ этмасди. Ҳатто қўлини ҳам чўзмасди. Фақат юзингизга қараб турарди. Лекин шунақа қарардики, кўзларида бахтсизлигу алам қотиб қолганини сезардингиз. Қараши кишини даҳшатга соларди. Бир сўз демай сизга тикилганча узоқ турарди. Эътибор бермасангиз, аста юриб нариги стол томон кетарди. Агар унга ҳеч нарса беришмаса, норози бўлганини ҳам билмасдингиз. Бирор киши танга садақа қилмоқчи бўлса, у хиёл олдинга юриб, қўлини чўзарди-да, тангани олиб лом-мим демай нари кетарди. Чўнтагимда ортиқча пул қолмаганди. Шунинг учун у қошимга келганда бош чайқаб, испанлар тиланчиларга "йўқ" деганда ишлатадиган мулойим сўзни айтдим.



Лекин у бунга эътибор бермади. Аянчли нигоҳини менга қадаганча бошқа столлар олдида қанча турган бўлса, менинг қаршимда ҳам шунча муддат турди. Унинг қиёфасида қандайдир аянчли бир ифода бор эди. Девонароқ одамга ҳам ўхшаб кетарди. Ниҳоят, у нари кетди.

Соат бир бўлганди. Тушлик қилдим. Бироз мизғиб, ўрнимдан турганимда ҳаво ҳали ҳам жуда иссиқ эди, лекин кечга яқин деразадан эсаётган шабада мени яна майдонга ундади. Гумбазли дарвоза тагидаги жойимга ўтириб, виски буюрдим. Аста-секин одамлар ресторан столларини тўлдира бошлашди. Оркестр куйини чалди. Яна, туфли тозаловчилар туфлимни тозалаш учун розилик сўраб ялинишди, газета сотувчи болалар газеталарини тиқиштиришди, тиланчилар садақа сўрашди. Яна, ўша қизилсоқол ғалати кимсага кўзим тушди ва унинг ҳар бир стол олдида тўхтаб туришини кузата бошладим. У менинг қошимда тўхтамади. Чамамда, эрталаб ҳеч нарса бермаганимдан кейин мени эслаб қолиб, яна уриниш фойдасиз, деб ўйлади. Мексикаликлар орасида қизил сочлиси кам учрайди. У кемасидан айрилиб, аста-секин шундай аянчли аҳволга тушиб қолган америкалик, англиялик ёки скандинавиялик денгизчи бўлиши ҳам мумкин, деган ўй келди миямга. У қаёққадир ғойиб бўлди.

Бошқа қиладиган ишим йўқлигидан, қорним оч бўлса-да, бироз ўтирдим. Кейин овқатланиб олгач, яна бўлмамга қайтиб келдим. Уйқу вақтигача чўзилдим. Бугунги кун жудаям чўзилиб кетгани кўнглимдан кечди. Яна неча кун бу ерда қолишга мажбурлигимни ҳисобламоқчи бўлдим.

Бироздан кейин уйғониб кетдим ва қайтиб кўзим илинмади. Хона жуда дим эди. Деразани очиб, ибодатхона тарафга қарадим. Ой кўринмасди. Чарақлаб турган юлдузлар шуъласида ибодатхона элас-элас қорайиб кўринарди. Томининг қирраларида ва қуббасидаги хоч устида қарғалар уймалашарди. Ҳар замон-ҳар замонда улар сал-пал қимирлаб қўйишарди. Бу менга ғайритабиий таъсир қилди. Нима учундир хаёлимга яна ўша қизилсоч кимса келди ва кўнглимдан қўққисдан уни авваллари ҳам қаердадир кўрганимни ёдга солувчи бир туйғу кечди. Шу хаёл билан уйқум ҳам қочиб кетди. Қизилсоқол билан авваллари ҳам юзма-юз келганимни ҳис қилдим. Аммо бу воқеа қачон ва қаерда бўлганини эслай олмасдим.

Тонгга яқин бироз салқин тушгач, ухлаб қолдим.

Вера Круздаги иккинчи куним ҳам худди биринчиси каби ўтди. Лекин энди қизил сочли тиланчини кута бошладим. У келиб ёнимдаги столлар олдида турганида тиланчига диққат билан разм солдим. Уни илгари қаердадир кўрганимга амин бўлдим. Ҳатто бир пайтлари уни таниганимни, у билан гаплашганимни ҳам эслай бошладим. Лекин буларнинг барчаси қачон ва қандай вазиятда рўй берганини сираям эслай олмаётгандим. У яна менинг қошимда тўхтамай ўтди. Кўзлари кўзимга тушганда уларга тикилиб "йилт" этган хотира қидирдим. Йўқ. Адашган бўлсам-чи, деб ўйладим. Лекин қачонлардир ҳаётимда унга дуч келганман, деган туйғу мени тарк этмаётганди. У ё инглиз, ё америкалик эканини аниқ билардим. Унга бир нима дейишга тортиндим. Вақтим жуда секин ўтди.

Яна бир кун келди, яна бир тонг, яна бир оқшом. Ўша куни якшанба эди. Майдон ҳар доимгидан ҳам гавжум. Кунгурали дарвоза тагидаги столлар ҳам тўлди. Одатдагидек, қизил сочли тиланчи ҳам ўзининг аянчли сукути, увада кийимлари-ю, адоғи йўқ мусибати билан келди. Мен одамларни тиланчилардан қўриқлаб юрган полициячини кўрганимда, у икки стол нарида турганди. Полициячи унинг елкасига бир мушт туширди. Зарбадан тиланчи гандираклаб кетди. Ўрнидан тургач, индамай аста-секин нари юрди.

Шу пайт ҳаммаси ёдимга тушди. Бутунлай унутганим - исмидан бошқа ҳамма нарса. У мени таниганига шубҳам йўқ эди. Чунки йигирма йил ичида мен унчалик ўзгармагандим. Шунинг учун ҳам у, биринчи куни эрталабни ҳисобга олмаганда, бирор марта ҳам менинг қаршимда тўхтамади. Ҳа, йигирма йил бурун мен у билан таниш эдим. Ўшанда қишни Римда ўтказаётгандим. Ҳар куни кечқурун хуштаъм макаронлари-ю, ўткир виноси билан машҳур Вия Систинадаги ресторанда овқатланардим. Инглиз ва америкалик санъатшунослару уч-тўрт ёзувчи бу ерга ҳар доим келиб турардик. Тунимиз шу ерда адабиёт ва санъат ҳақидаги охири йўқ баҳсу тортишувлар билан ўтарди. У ресторанга рассом дўсти билан келарди. Ўша пайтлари тахминан йигирма икки ёшларда эди. Кўк кўзлари, қирра бурнию, қизил сочлари ўзига жуда ярашиб тушганди. Илгари америка боғдорчилик ташкилотида ишлагани учун Марказий Америка ҳақида жуда кўп гапирарди. Лекин кейинчалик ёзувчи бўлишга бел боғлаб, у ердаги ишидан воз кечганди. Такаббурлиги боис бизнинг даврамизга қўшилмасди. Устига-устак, бизларни бефойда одамлар деб ҳисобларди ва буни юзимизга айтишдан ҳам тоймасди. Ёзган нарсаларини бизга кўрсатмасди. Чунки бизнинг фикримиз унинг учун бир чақага ҳам қиммат эди. У ҳаддан ташқари кибрли эди. Ўзига чексиз ишончини кўрган айрим дўстлари ҳам унга таассуб қилишарди. Ундаги ўша кўтаринки кайфият, матонат, келажакка бўлган ишонч ҳозир ёдимга тушди.

Йўқ, бу тиланчи ўша йигит бўлиши мумкин эмас, дедим ўзимга ўзим. Лекин, барибир, ич-ичимдан бунга амин эдим. Ўрнимдан турдим-да, виски ҳақини тўлаб, уни топиш учун майдонга чиқдим. Фикрларим чувалашиб кетган, ўзим эса эсанкираб қолгандим. Кўз олдимдан тиланчининг қиёфаси кетмас, нима воқеа юз бериб у бу кўйга тушганини билишни хоҳлардим. Ўша мағрур йигитнинг шу аҳволга тушганига сира ишонгим келмасди. Эй, худо, у нега бундай хароб ҳолга тушди, деб ўзимдан ўзим тинмай сўрардим. Қандай кўргиликлар унинг иродасини синдирди экан? Қандай хомхаёллар кетидан бориб у шу кўйга тушиб қолди экан? Унга қандай ёрдам берса бўлади, деб сўрардим ўзимдан. Майдонни айланиб чиқдим. Бироқ кунгурали дарвоза атрофидаям у йўқ эди. Оркестр ўтирган саҳна теварагидаги оломон орасида бўлиши амримаҳол эди. Кеч кира бошлаганди. Уни тополмайман, деб қўрқдим. Кейин ибодатхона томонга қараб юрдим ва унинг зина устида ўтирганини кўрдим. Эски танишимнинг аянчли кўринишини тасвирлаб беролмайман. Ҳаёт уни синдирган, кейин мажақлаб, мана шу ибодатхонанинг тош зиналарига улоқтирганди. Ёнига бордим.

"Рим эсингиздами?", деб сўрадим.

У қилт этмади. Жавоб ҳам бермади. Худди ёнида мен йўқдек жим тураверди. У менга қарамади. Кўзлари зина ёнида қичқириб, ниманидир юлқишаётган қарғаларда қотиб қолганди. Нима қилишни билмадим. Чўнтагимдан пул чиқариб, қўлига тутқаздим. У пулга қарамади. Лекин қўли сал қимирлаб, чўпдек бармоқлари пулни қисди-да, ғижимлади. Кейин пулдан кичкина қоғоз коптокча ясади ва кутилмаганда уни бош бармоғига қўйиб, қичқираётган қарғалар томонга ирғитди. Беихтиёр бошимни ўша ёққа буриб, қушлардан бири пулни чўқиб учиб кетганини кўрдим. Ёнимга қараганимда эса тиланчи кетганди.

Вера Крузда яна уч кун қолдим. Уни бошқа учратмадим.

**Инглизчадан ЎзДЖТУ қошидаги академик лицей битирувчиси Алишер ОТАБОЕВ таржимаси.**

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
*НОШИР: «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ*

O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91, котибият — 136-56-50
*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 136-56-50 Ижтимоий ҳаёт бўлими: 133-49-93*
*Санъат бўлими: 136-56-48 Назм ва наср бўлими: 133-49-93*

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Мурод АБДУЛЛАЕВ

*Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*
Навбатчи муҳаррир — Усмон МУРОДОВ
Саҳифаловчи — Комрон АҲМЕДОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—20.00. Босишга топширилди — 21.00.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00024-рақам билан рўйхатга олинган. Буюртма Г— 162. Ҳажми — 3 босма табоқ. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—5623